



2017 йил «6» март

№ 235-қ

**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун
ер участкаси олиб қўйилиши
муносабати билан аввалгисига тенг
қийматли ер майдон танлаб
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2006 йил 29 майдаги «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги №97-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ билан келишилган №1141/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 10 февралдаги 104-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Каримов Одил томонидан Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган 0,003 гектар ер майдонига савдо дукони қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 27 февралдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод туман Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини худудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,003 гектар ер майдониغا савдо дукони қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 27 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каримов Одилга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Каримов Одил томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Каримов Одил томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов